

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САРИМСОКОВ ХУРШИД АБДИМАЛИКОВИЧ

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СПОРТ ТЕРМИНЛАРИНИНГ
ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Саримсоков Хуршид Абдималикович

Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғиштирма
тадқиқи..... 3

Саримсоков Хуршид Абдималикович

Сопоставительное исследование спортивной терминологии на
английском и узбекском языках..... 23

Sarimsokov Khurshid Abdimalikovich

Comparative Study of Sport Terminology in the English and Uzbek
Languages..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САРИМСОКОВ ХУРШИД АБДИМАЛИКОВИЧ

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СПОРТ ТЕРМИНЛАРИНИНГ
ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1PhD/Fil466 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университети в бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uswlu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Палуанова Халифа Дарибаевна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Носиров Абдурахим Абдимуталипович
филология фанлари доктори, доцент

Агзамова Дилдора Бахадиржановна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг «14» Октябр 2020 йил соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100138, Тошкент, Кичик Халқа Йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-уй. Тел.: манзил бўйича: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-91).


Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент, Кичик Халқа Йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-уй. Тел.: манзил бўйича: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-91;


Диссертация автореферати 2020 йил «2» Октябр уни тарқатилди.

(2020 йил «2» Октябр даги 10 рақамли реестр баённомаси).




Г.Х.Бакиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор


Х.Б.Самигова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент


Д.С.Кулмаматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда спорт соҳасини миллатларни тотувликка, ҳамжиҳатликка, дўстликка, бирдамликка етакловчи энг мақбул йўл сифатида эътироф этмоқда. Спортнинг барча турларини кенг татбиқ қилиш учун яратилаётган имкониятлар ундаги янги йўналишларнинг ривожланиши, ўз навбатида, спорт миллий терминологиясининг шаклланишига олиб келди. Бу жараён спорт соҳаси терминологиясини лингвистик аспектда тадқиқ этиш, терминларни тизимлаштириш эҳтиёжини янада кучайтирди. Зеро, тил ва жамиятнинг бевосита боғлиқлиги ҳамда уларнинг динамик ҳолда тўхтовсиз ўзгаришларга учрашида мазкур соҳа терминлари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

Дунё тилшунослигида спортга оид терминларнинг қардош ва қардош бўлмаган тиллар мисолидаги чоғиштирма таҳлили нафақат ўрганилаётган тиллар терминологиясидаги фарқли жиҳатларни, балки мазкур тилларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи ижтимоий омилларни ҳам аниқлашга ёрдам беради. Дунёнинг кўплаб таълим муассасалари ва тадқиқот марказларида, хусусан, Рус лингвистик жанр мактаби, Австралиянинг Систем-функционал тилшунослик мактаби, Буюк Британиянинг Амалий тилшунослик/махсус мақсадлар учун инглиз тили йўналиши, АҚШнинг Мичиган штати Тилшунослик муассасасида спорт терминологияси билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги глобаллашув шароитида коммуникация ва маданиятлараро мулоқотнинг тезлашуви, яқинлашуви спорт терминларини кенг қўламда ўрганишга эътиборнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳаларда изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Адабиёт, санъат, илм-фан соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг амалиётга кенг жорий этилишига эътибор берилмоқда. Жумладан, спорт соҳасига қаратилаётган жиддий эътибор мазкур соҳа терминологиясини жадаллик билан шаклланиши ва ривожланиши жараёнига эҳтиёж сезмоқда. Ушбу жараёнда ўзбек тили билан бир қаторда, халқаро мулоқотнинг бутун дунёда тан олинган воситаси саналган инглиз тили ҳам спорт терминологияси тараққий этишида ўз аҳамиятига эга. Тилларнинг бири-бирига ўзаро таъсирини ўрганиш тилшуносликнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, тараққиёт тамойилларига асосланган ҳолда «...илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹га бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳозирги куннинг талаби турли тизимли тилларни ўқитишда талабаларга чет тилидаги касбий терминларнинг тилшунослик мезонлари асосида (лексик-семантик, грамматик, функционал-структуравий жиҳатларини) ўргатиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Юртимизда чоғиштириш орқали амалга оширилган тадқиқотлар тилларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони / Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – 6-сон. 70-модда.

умумий, хусусий жиҳатларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш кўламининг янада ошишига кенг имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3031-сон Қарори, 2017 йил 7 февралдаги сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарори белгиланган касбий фаолият, таълим сифатини оширишга доир фармонлар ҳамда 2018 йил 5 мартдаги «Спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-536 - сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги «Давлат таълим муассасалари ҳузурида спорт клубларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 542-сон шунингдек, 2019 йил 03 июндаги «Жисмоний тарбия ва спорт ягона ахборот тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»даги 454-сон қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган касбий фаолият, таълим сифатини ошириш билан боғлиқ қатор вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган¹.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида спорт терминологияси масалалари бўйича бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бу йўналишда В.Д.Швайко, Р.В.Попов, М.А.Аднан, Р.В.Вайнз, Е.И.Гуреева, М.Мешч, П.Вайт, З.Мурзоев² каби хорижий олимлар ҳамда Ю.С.Шоломицкий, Р.Исмоилов, М.Норкин, Х.Т.Рафиев, М.Х.Бобоёров, З.А.Абдуллаева³ каби ўзбек олимлари тадқиқотлар олиб боришган.

² Швайко В.Д. Лингвостилистические особенности фразеологических единиц образованных от сверсловных спортивных терминов и профессионализмов (на материале современного английского языка): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1984. – 290 с Попов Р.В. Русская спортивная терминология: На материале баскетбольной терминосистемы: Дисс. ... канд. филол. наук –Северодвинск, 2003. – 168 с.; Аднан М.А. Языковые новации и речевые изменения в русской спортивной лингвокультуре XXI века: Дисс. ... канд. филол. наук – Курск, 2013.; White P. Chambers Sport factfinder. – Edinburg: Chambers. – 2005.– P.786.; Мирзоев З. Спортивные термины в таджикском и английском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2005. – 210 с.; Гуреева Е.И. Спортивная терминология в лингвокогнитивном аспекте: Дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск, 2007. – 176 с.; Mesz M. Lexicological view of the language of the sport commentaries. – Českè Budyè jovice. – 2014. – P.144.; Wines R.W. Sporting Frenchness: Nationality, Race, and Gender at Play. A dissertation for the degree of PhD. – Michigan University, 2010. – P. 223.;

³ Шоломицкий Ю. С. Физическая культура и спорт в советской Средней Азии и сопредельных странах востока. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Москва, – 1972. – 25 с.; Исмоилов Р., Норкин М. Русча ва ўзбекча спорт-физкультура терминлари изоҳли луғати. – Тошкент, 1961. – 95 б.; РафиевХ.Т. Некоторые вопросы преподавания физической культуры в Узбекских школах. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Тошкент, – 1972. – 25 с.; Бобоёров М. Х. Мустақиллик даври спорт атамаларининг шаклланиши: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Самарқанд, 2009. – 22 б.; Абдуллаева З.А. Ўзбекистонда спортнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: Тарих фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 32 б.; Худойберганова Д. Мустақиллик даврида спортга доир лексемалар тараққиёти//Тилшунослиқнинг долзарб масалалари. Илмий-амалий анжуман (ижтимоий фанлар). – Бухоро, 2017. – 124 б.

XIX-XX аср тилшунослигида терминология Д.С.Лотте, Г.О.Винокур, А.А.Реформатский, Е.Д.Поливанов, Р.А.Будагов, Н.Н.Амосова, А.Д.Хаятин, Брайсон, Х.Сонневелд, Ж.Бўронов, Р.Дониёровлар⁴ томонидан янада ривожлантирилди. Мазкур соҳада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганлигига қарамай, ўз ечимини топмаган масалалар ҳам мавжуд, бу эса уларнинг тадқиқи муаммосига янгича ёндашувларни тақозо этади. Жумладан, В.Д.Швайконинг илмий изланишлари инглиз тилидаги спорт соҳаси фразеологик бирликларининг тадқиқига бағишланганлиги билан характерли. Р.В.Вайнзнинг тадқиқотларида эса, инглиз тилидаги спорт лексикаси таркибидаги французча бирликларнинг лингвостатистикаси ва семантик хоссалари ўрганилган.

Ўзбек тилшунослигида М.Х.Бобоёров соҳа терминологиясининг ўзбек тили ички имкониятлари ҳамда ташқи омиллар асосида ривожланиш жараёнларини ёритган, З.А.Абдуллаева эса терминлар тараққиётига тарихий-ижтимоий омилларнинг таъсири масаласини тадқиқ этган. Бироқ ўзбек ва инглиз тилларида спорт терминлари ва неологизмларнинг шаклланиш тарихи, ясалиш (лексик-семантик, деривацион ва б.) усуллари, фразеологик бирликларнинг терминологик хоссалари каби масалалар чоғиштирма аспектда махсус тадқиқот объекти бўлган эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек адабиётини хорижда ўрганилиши ва таржимашунослик масалалари ҳамда чет тили таълими муаммолари» банди бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги спортга оид терминларнинг структур-семантик, деривацион хусусиятларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ёритиш ҳамда фразеологик лексик бирликларнинг терминологик хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тилларидаги спортга оид терминларнинг тилшуносликда назарий жиҳатдан ўрганилганлик даражасини ёритиб бериш;

чоғиштирилаётган тиллардаги спортга доир лексик бирликларнинг тарихий- тадрижий такомиллашув хусусиятларини аниқлаш;

амалдаги спорт журналистикаси билан боғлиқ терминларнинг ифода усулларини ўрганиш ва бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш йўллари тилшунослик қонуниятлари мезонида асослаб бериш;

⁴ Винокур Г. О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии / Татаринев В.А. История отечественного терминоведения. Т.1. Классики терминоведения. Очерк и хрестоматия. – М.: Московский лицей, 1994. – С. 218 – 284; Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. – Ташкент, 1934. – 182 с.; Реформатский А.А. Мысли о терминологии // Современные проблемы русской терминологии. – М., 1976. – С. 56–275.; Будагов Р.А. Человек и его язык. –М.: МГУ, 1976. – С.176.; Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Ленинград: ЛГУ, 1963.–360с. Bryson В. Made in America. – William Morrow, 1994. – Р. 27.; Sonneveld Н., Loenning К. Introducing terminology, in Terminology. – 1994. –Р. 1-6.;Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. – 268 с.;Дониёров Р. Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёти – Тошкент: Фан, 1986. – 247 б.

мазкур соҳа терминларининг деривацион жиҳатларини, хусусан, аффиксал, морфемик-морфологик, лексик-семантик, семантик-деривацион, функционал-семантик, синтактик ва аралаш усуллар орқали ясалишини ёритиш;

инглиз ва ўзбек тилларида фаол қўлланиладиган спорт терминларини чоғиштириш орқали таснифлаш;

спорт соҳаси амалиётида термин сифатида қўлланиладиган фразеологик бирликларни лингвистик тамойиллар асосида ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги мавжуд спорт терминлари, неологизмлари ва фразеологик бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги спортга оид термин, неологизм ҳамда фразеологик бирликларнинг чоғиштирама аспектдаги структур-семантик, деривацион ва стилистик хусусиятлари белгиланган.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда лингвистик тавсифлаш, қиёсий-типологик (чоғиштирама), тарихий-этимологик, компонент таҳлил ҳамда лингвостатистик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

спорт терминларининг чоғиштириш орқали тадқиқотга тортилган тилларнинг морфологик, лексик-семантик, функционал-семантик ва синтактик усулларининг ясалишида тилларга хос бўлган алломорфлик ва изоморфлик хусусиятлари далилланган;

мазкур соҳага оид образли, мотивланган фразеологик бирликларнинг семантик таҳлиллари натижасида фразеологик бирликларнинг термин сифатида хосланиши асослаб берилган;

спорт соҳасига оид терминларнинг тарихий-генетик илдизлари аниқланиб, уларнинг лингвистик тадрижий тараққиёт босқичларидаги семантик ва фонетик ўзгаришлар фактик-аналитик манбаларга мувофиқ асосланган;

инглиз ва ўзбек тиллари таркибида мавжуд бўлган спортга оид ўзлашма лексик бирликларининг тарихий-қиёсий усул асосида аслияти ва ареал-худудий миқдор кўрсаткичи аниқланган.

Тадқиқот ишининг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги спорт терминларининг шаклланиш хусусиятлари, илк марта, даврий кетма-кетликда тарихий-адабий мерослар асосида (халқ оғзаки ижоди, араб истилоси, мўғуллар истилоси, темурийлар, хонликлар, Чор Россияси каби даврлар) ўрганилган, тарихий манбалардан келтирилган намуналар, гарчи ўша даврда спорт соҳасига яқин эмасдек бўлиб кўринган бўлса-да, арзимас бўлиб кўринган деталлар ҳам спорт терминологиясининг тараққий этишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши очиқ берилган ва қиёсий-типологик тадқиқи орқали чиқарилган хулосалар спорт соҳаси бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

тадқиқотга тортилган тилларнинг ўзлашма қатламини таҳлилга тортиш орқали лексик бирликлар аслиятига кўра, ареал-худудий миқдор кўрсаткичи аниқланиб, спорт терминларининг шаклланиши (асл/туб термин, ўзлашма

термин, интертермин) ва луғат таркибига киритилиши билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар, назарий маълумотларнинг ишончли ва аниқ манбаларга асосланганлиги; таҳлилда аниқ далилий материалларга таянилганлиги, диссертация мавзуси юзасидан республика, халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги, назарий хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, чоғиштирилаётган тиллардан олинган таҳлил натижалари спортга оид терминларнинг тилдаги мавқеини кўрсатиб беради ва қиёсий терминология соҳасининг тадқиқот тамойилларини янада бойитади. Диссертацияда келтирилган инглиз ва ўзбек тилларидаги спорт терминлари хусусидаги фикр-мулоҳазалар бошқа терминологик тизимларни ёритишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот материаллари ва хулосалари жисмоний тарбия, спорт этикаси, терминшунослик, лингвистика, лексикология, лексикография, терминография фанлари бўйича маъруза курслари, семинар машғулотларини ишлаб чиқиш ҳамда олиб бориш, дарслик, ўқув қўлланмалар ёзиш, терминологик луғатлар тузишда амалий манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларидаги спорт терминларининг лингвистик хусусиятларини тадқиқ этиш натижасида олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

спорт терминларининг чоғиштириш орқали тадқиқотга тортилган тилларнинг морфологик, лексик-семантик, функционал-семантик ва синтактик усуллар ясашига оид хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тасарруфидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида соҳа мутахассисларини тайёрлаш учун яратилган ўқув методик комплексини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 26 июндаги 03-07-08-2299 сонли маълумотномаси). Натижада, спорт таълими йўналишларидаги ўқувчи ва мураббийлар учун терминларни ёритиб бериш ва қўллаш бўйича методик дастурлар такомиллаштирилган;

мазкур соҳага оид образли, мотивланган фразеологик бирликларнинг асл тилдан бошқа тилга ўзлашиши ва уларнинг терминологик хосланишига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тасарруфидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди соҳа мутахассисларини тайёрлаш учун яратилган ўқув методик комплексини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 26 июндаги 03-07-08-2299 - сонли маълумотномаси). Натижада, соҳага оид фан дастури ва методик таъминот лексикасининг бойишига хизмат қилган;

спорт соҳасига оид терминларнинг тарихий-генетик илдизлари, тадрижий таракқиёт босқичлари, мавжуд сўзларнинг қайта услубий чегараланиши, уларнинг семантикасидаги ўзига хос ўзгариш ва янгиланишларга оид хулосалардан Порту университети FEUP - Faculdade de Engenharia Universidade do Porto таълим йўналиши илмий қўлланмасида фойдаланилган (Порту университетининг 2019 йил 10 сентябрдаги -4200-465 PORTO-NIPC 600 027 716 сонли маълумотномаси). Натижада, соҳага оид ўқув материалларини назарий жиҳатдан такомиллаштиришда самарали манба бўлиб хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тиллари таркибида мавжуд спортга оид ўзлашма лексик бирликлар аслиятига кўра, ареал - худудий миқдор кўрсаткичига доир илмий назарий хулосаларидан Европа Иттифоқи томонидан таъсис этилган IMEP, яъни «Internalisation and Modernization of Education and Processes» мавзусидаги лойиҳада манба сифатида фойдаланилган (IMEP institutional coordinatorнинг 2018 йил 30 декбардаги 2015-3722/001-001-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу амалий лойиҳа доирасида яратилган дарслик ва ўқув-услубий мажмуа янги илмий далиллар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 6 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола (5 та республика ва 1 та хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган, ҳажми 156 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланган, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тилшуносликда термин билан боғлиқ илмий-назарий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида тилшуносликда *термин*, *терминологик бирликлар*, *неологизмларга* берилган таърифлар таҳлил қилинган, терминларни таснифлаш муаммолари ёритилган, жаҳон тилшуносларининг терминлар ва соҳа терминологияси юзасидан олиб борган илмий изланишлари тадқиқ этилган.

XX аср дунё тилшунослигида *терминга* таъриф беришда турлича ёндашувлар кузатилди. Ўтган асрнинг 80-йилларида терминология соҳасида муҳим тадқиқотлар олиб борган А.В.Суперанская «термин»ни қуйидагича таърифлайди: «Термин – муайян касбий, профессионал фаолиятда қабул қилинган ва алоҳида соҳаларда, шароитларда ишлатиладиган махсус сўз. Термин профессионал билимларнинг муайян соҳаси тизимига кирувчи тушунча бўлиб, у сўз билан ифодаланади. Термин махсус мақсадлар учун мўлжалланган тилнинг асосий тушунчавий элементиدير. Ўз терминологик майдони ичида термин бир маънода қўлланилади. Турли майдонларнинг бир хил айтиладиган терминлари – омонимлар тизимиدير. Тўғри тушунилиши учун термин махсус дефиниция (аниқ илмий таъриф)ни талаб қилади»⁵.

Термин - замонавий тушунча тамойилига асосан, муайян соҳалар (спорт, иқтисодиёт, қонунчилик, ҳуқуқ, санъат, молия, китобатчилик, сиёсат, маориф, дипломатия ва б.) да аниқ тушунчани ифода этадиган, махсус функционал вазифани бажарадиган сўз ва сўз бирикмасидир. Термин семантик нуқтаи назардан махсус соҳа доираси билан чегараланган лексик бирликдир. Айрим ҳолларда маълум бир соҳа терминларида бошқа соҳа терминологиясига интеграциялашув жараёни кузатилади, натижада, улар ўша соҳа учун қўшимча терминлик вазифасини ҳам бажаради. Масалан, *тош* термини экология соҳасига тегишли бўлиб, *табiiй қаттиқ жисм* ҳисобланади. Молия, солиқ, иқтисод соҳаларида *ўлчов бирлигини* ифодалайди. Спорт соҳасида *мускулларни ривожлантирувчи оғир қурол* маъносини ифодалайди.

Спорт соҳасининг терминологик тизими юзасидан ўтказган тадқиқотимиз таҳлили натижасида шуни айтиш мумкинки, соҳа терминларидан ташқари, *термин-неологизм (терминологик неологизм)*лар ҳам мавжуд бўлиши табиий. Бинобарин, инглиз тилида маълум бир спорт соҳасига оид термин ўзбек тили истеъмолида илк бор қўлланилса ёки қўлланилиш эҳтимоли юқори бўлса, бу жараён, албатта, *термин-неологизм* билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Бундай терминларнинг қай даражада оммабоп бўлиши улар мавжуд бўлган соҳанинг ривожини билан чамбарчас боғлиқ.

Спорт соҳасида неологизмлар таркибида ўрганилувчи окказионализмлар ҳам мавжуд. Улар шоирлар, ёзувчилар, тилшунослар ва олимлар томонидан ноанъанавий йўллар орқали ҳосил қилинадиган сўзлардир. Окказионализмларнинг вужудга келиши бошқа соҳаларга нисбатан қизиқарли ҳисобланади. Чунки ушбу соҳада окказионаллар шоирлар, ёзувчилар, тилшунослар ёки олимлар томонидан эмас, балки спортчилар ёки мураббийлар томонидан яратилади. Спортчи ёки мураббий томонидан яратилган янги ҳаракат ёки услуб ўз кашфиётчиси номи билан аталиши натижасида окказионаллар пайдо бўлади. Тилшуносликда бу сўз ясаилишининг *эпонимия* усули деб ҳам аталади.

Ўрганилган манбалар шуни кўрсатадики, жамиятдаги ахборот оқимининг жадаллашуви ҳамда технологиянинг такомиллашуви термин ва нотермин сўзлар ўртасидаги чегаранинг бир–бирига яқинлашишига сабаб бўлди. Фан ва

⁵ Суперанская А.В. Общая терминология. – М.: УРСС, 2003. – С.56.

техника ютуқларининг оммавийлашуви эса айрим терминларни одатий, мунтазам шаклда ишлатиладиган сўзларга айлантирди.

Табиийки, тил ва жамият ўртасида узлуксиз боғлиқлик мавжуд. Вақт ўтган сари жамиятдаги реал воқеликлар янги номга эга бўлади, эскилари эса истеъмолдан чиқиб кетади ёки қўлланилиш жараёнида семантик ўзгаришга дуч келади. Натижада, тил янада кенг луғавий имкониятларга эга бўлади.

Жисмоний тарбия термини ўзбек тили тарихидан мавжуд бўлиб, *бадан тарбия* термини билан кўп ҳолларда ўрин алмашиб келади, асосан, соғлиқни мустаҳкамлашга, инсон жисми ва тафаккури камолотига қаратилган муайян жисмоний машқларнинг дастурий тизими ва бу умумий тарбиянинг узвий қисмидир.

Жисмоний маданият - умумий маданиятнинг бир қисми бўлиб, соғлиқни мустаҳкамлаш учун шахснинг жисмоний фаолиятга нисбатан (ихтиёрий) муносабати. Ушбу соҳа таркибига кўра: гигиена, тўғри овқатланиш, жисмоний фаолликни ривожлантириш каби бир қанча жараёнларни кўрсатиш мумкин. *Жисмоний тарбия* ва *жисмоний маданият* билан мунтазам фаолият олиб бориш шахсни *спорт* соҳасига етаклайди. Шундай экан, мунозараларга сабаб бўлмаслик учун биз тадқиқотимизда, айнан, спортга оид терминларни таҳлилга тортдик.

Тадқиқ этилган спорт терминларининг чегарасини белгилаш мақсадида А.А.Собурова қайд этган терминологик мезонларнинг тўрттаси асос қилиб олинган: 1) терминлар номинатив атамагина бўлиб қолмай, улар дефинитив вазифани ҳам бажаради; 2) улар бир маъноли, моносемантик хусусиятга эга; 3) терминлар расмийлаштирилган лексик бирликлар бўлиб, жамият томонидан тартибга солинади ва мувофиқлаштирилади; 4) терминлар тузилиши бўйича сўз ва сўз бирикмаси тарзида бўлади. Тадқиқотимизда таҳлилга тортилган спорт терминлари, асосан, ушбу тўрт омил асосида чегараланган.

Сўнгги йилларда мазкур соҳанинг жадаллашуви, янгидан-янги спорт турларининг вужудга келиши, соҳада терминларнинг узлуксиз тарзда пайдо бўлиши тилдаги номинация фаолияти билан боғлиқ айрим муаммоларни ҳам юзага келтирди. Бу жараёнда аралаш, мураккаб, ғализ ва чигал тушунчаларнинг юзага келиши кузатилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, спортга оид лексик бирликларни номинация тамойилларига кўра, қуйидаги шаклда таснифлаш ва гуруҳлаштириш самарали ҳисобланади:

1. Спорт соҳасида нарса ёки объектни ифодаловчи номинациялар: *белбоғ* – *belt*, *карточка* – *card (yellow, red)*, *хуштак* – *whistle*, *лаппак* – *discuss*, *ядро* – *shot (rounded iron ball)*, *чана* – *sleigh (sled)*.

2. Спорт соҳасида «шахс» ёхуд «иштирокчи»ни ифодаловчи номинациялар: *ҳакам* – *referee*, *ҳимоячи* - *defender*, *хоккейчи* – *hockey player*, *мухлис* – *fan (supporter)*, *секундант* – *secondant*, *мураббий* – *coach (trainer)*.

3. Спорт соҳасида «ҳаракат»ни ифодаловчи номинациялар: *тепмоқ* – *to kick (hit)*, *тўсмоқ* – *to block (save)*, *ҳужум қилмоқ* – *to attack*, *эгмоқ* – *bow*, *олқишламоқ* - *to applause*, *танаффус қилмоқ* – *to break*.

4. Спорт соҳасида «ўрин-жой»ни ифодаловчи номинациялар: *майдон – field (pitch), корт – cort, қароргоҳ (лагер) – camp, стадион – stadium, велотрек – velo-track, сув ҳавзаси (бассейн) – pool.*

5. Спорт соҳасида спорт ўйинларини ифодаловчи номинациялар: *кураш – wrestling, бокс – boxing, югуриш – running, сузиш – swimming, қиличбозлик – fencing, тоғ чангиси – (mountain) skiing, денгиз пойгаси – sea (marine) racing.*

6. Спорт соҳасида аралаш турдаги номинациялар: *музсарой – ice palace (ice sports complex), спорт вақти – sports time, спорт гигиенаси – sports' hygiene, ВАР (видео ассистент рефере) тизими – VAR system (video assistant referee).*

Диссертациянинг иккинчи боби «**Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг шаклланиш хусусиятлари**» деб номланади. Бу бобда спорт терминларининг шаклланиш тарихи, мазмун-моҳияти, номланиш тарихи ўрганилди, ўзбек тилидаги ушбу соҳа терминларининг ёзма манбалар асосида шаклланиш тарихи даврларга ажратиб таснифланди.

1- жадвал

Спортга оид лексик бирликларнинг даврлари ва манбалари

1.	Халқ оғзаки ижоди даври (ёзма адабиётларгача бўлган давр)	«Менинг жонажон тарихим»
2.	Араб истилоси даври (632-1258)	«Тиб қонунлари»
3.	Қорахонийлар даври (999-1141)	«Девону луғотит турк»
4.	Мўғул истилоси даври (1220-1368)	«Ат-туҳфатуз закияти фил-луғатит туркия»
5.	Темурийлар даври (1370-1512)	«Темур тузуклари», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Бобурнома»
6.	Хонликлар даври (1512-1920)	«Шажараи тарокима»
7.	Чор Россияси ва собиқ шўролар даври (1870-1991)	«Русча-ўзбекча физкультура ва спорт терминлари луғати»

Ушбу бобда ёзма манбаларда келтирилган спорт соҳасига оид лексемалар аниқланган, М.Кошғарийнинг «Девон»даги спортга оид айрим лексик бирликлар илмий таҳлил қилинган. Тадқиқотда уларнинг ҳозирги кунда қайси спорт турига алоқадор эканлиги аниқланиб, жадвалда акс эттирилди.

2 - жадвал

«Девон»да келтирилган спортга оид лексик бирликлар

№	Араб имлоси	Кирилл имлоси	Маъноси	Ҳозирги спорт турида
1	قِيلِيچ	қилич	қилич	Қиличбозлик
2	تَا	ат	от	От спорти
3	اَق	оқ	ўқ	Камонда ўқ отиш
4	اَمَك	амаг	нишон	Камонда ўқ отиш
5	اَرُق	урук	арқон	Атлетика
6	اَرَكَن	уркан	қайиш	Оғир атлетика
7	اَلُق	улук	қайиқ	Сув спорти

Соҳа терминлари тартибга солинмаганлиги сабабли, спортга оид изоҳли луғатларни яратишга эҳтиёж туғилди ва илк бор Р.Исмоилов ва М.Норкинлар томонидан «Русча-ўзбекча спорт терминлари луғати» яратилди. Шуниси характерлики, ушбу луғатдаги айрим терминлар «Девони луғотит-турк», «Ат-

Тухфа», «Темур тузуклари», «Муҳокамат ул-луғатайн» ва «Бобурнома»да ҳам ўз аксини топган. Айрим терминлар тилнинг фонетик, лексик-семантик эволюцион жараёнини босиб ўтган бўлса, баъзилари ўз ҳолича, ўзгаришсиз қолган (3-жадвал).

3 - жадвал

Спортга оид терминларнинг шаклланиш даври

Асар	«Девони луғотит турк»	«Ат Тухфа»	«Темур тузуклари»	«Муҳокамат ул-луғатайн»	«Бобурнома»	«Русча-ўзбекча спорт терминлари луғати (Р. Исмоилов, М. Норкин)
Мисоллар	ат, алп, қилич, оқ, ўйун, эйар, йа, соғдақ, оқлук, отим, чавган.	ат, садағ, баҳадир, қилич, ўар, йа, суғдоғ, доқмақ, қалқан, қур, кама, йип, қаайш, борк, кураш, куррачи, тайақ, қоллук, чатир, сонўн	камар, чодир, қур қилич, садағ сипоҳ, совут,	от, эгар, ўк, чавғон, паҳлавон, қур, қолқоп, чодир, қалпоқ, ялак, мот, тўқум, қамчи, жорлиғ, рух, дастор, шох, пайкор, пиёда, пил, шатранж, ғолиб,	от, қилич, ўк, ёй, човган, ойин, содоқ, қўр, бўрк, чатр, заврак (қайиқ), таноб (ип), синон (найза), сипоҳ, жовшан (совут) ялак, шатуранж, пайкон, пиёда, ёғлиқ, ўтоғ, савғот, дубулға, захира, қуллатайн,	от, алп- баҳодир - паҳлавон, қилич, ўк, ўйин, эгар, ёй, садоқ, ўк-идиш, отувчи(мерган), чавгон,тўқмоқ, қалқон, қур (камар), кема, қўлқоп, ип- арқон, қайиш, бош кийим, кураш, курашчи, чодир, найза,сипоҳ, совут, яқтак, қамчи, тўқум, ёрлиқ, пайкон, пиёда, фил, шатранж, шох, рух, ғолиб,ўтов, совға, дубулға, захира, ҳовуз (бассейн)

Таҳлиллардан кўринадики, юртимизда спорт терминларининг шаклланиши кеча ёки бугун юз берган эмас, балки VIII-IX асрлардан олдин ҳам улар умумистеъмол лексемалари сифатида қўлланилган.

Ушбу бобда инглиз тилидаги спорт терминларининг ясалиш усуллари бевосита ўзбек тили билан қиёсланиб, икки тилда юзага келувчи изоморфик ва алломорфик хусусиятлари очиб берилган.

Икки тилда ўзлашма - *borrowing* усулида сўз яшаш изоморфик хусусияти ҳисобланади. Encyclopedia.com асосида инглиз тилига бошқа тиллардан ҳеч қандай ўзгаришсиз олинган сўзларнинг умумий салмоғи 13683 та бўлиб, улар, асосан, 84 тилдан ўзлашган. Бизнинг «Oxford» ва «Longman» луғатлари асосида қилган таҳлил натижаларимиз шуни кўрсатмоқдаки, инглиз тилидаги мавжуд спортга оид ўзлашмалар миқдори ҳудудий жиҳатдан 41 тилдан, сон жиҳатдан 189таси аниқланди, жумладан: Америкадан 10 та (5.3%); Африкадан 8 та (4.2%); Океаниядан 3 та (1.6%); Осиёдан 43 та (22.7%); Европадан 125 та (66.2%) лексик бирликларни ташкил қилади.

Ўзбек тили ўзлашма қатламининг таҳлили шуни кўрсатдики, луғат таркибида спортга оид араб, форс, рус ва бошқа тиллардан кириб келган лексик бирликлар мавжуд. Спортга оид энг сўнги луғат (Ҳ.Рафиев, Ш.Бўтаев) таҳлиliga кўра, 306 та ўзлашма сўз, жумладан: Осиё тилларидан 149 (48.9%) та лексик бирлик, Европа тилларидан 157 (51.1%) та лексик бирлик ўзлашганлиги маълум бўлди.

Инглиз тилида *калька ўзлашма* сўзлар таркибида ўрганилади. Ўзбек тили спорт терминологиясида ҳам бундай усул мавжуд. Шунинг учун икки тилдаги ушбу усул изоморфик жараён ҳисобланади. Масалан, голланд тилидаги *meesterstuk* сўзидан таржима қилинганда, инглиз тилида – *master piece*, рус тилида «шедевр», ўзбек тилида «моҳирона» маъносини англатади. Немис тилидаги *blitzschach* термини инглиз тилида *rapid chess* шаклида берилади, унинг ўзбекча таржимасини *шахматнинг блиц(тезкор) тури* тарзида бериш мақсадга мувофиқ.

Сўнги йигирма йил ичида ўзбек тилида сўз ўзлаштиришнинг калька усули орқали янги лексик бирликларнинг ҳосил бўлиши ҳатто инглиз тилига нисбатан сермахсул эканлиги кузатилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири мамлакатимизда спорт соҳасининг ривожланиш босқичи айнан мустақиллик йилларига тўғри келганлиги билан изоҳланади. Масалан: *қўл тўпи* - инглиз тилидаги *hand ball* терминининг таржимаси бўлса, *қўлбоғич (енг боғ)* инглиз тилидаги *armband* терминининг таржимаси ҳисобланади. *Тўпурақ* термини инглиз тилида *goalscorer* термини билан берилса, *тизза банд* терминини инглиз тилида *knee-pad* термини шаклида бериш мумкин. *Тишқолип* (бокста) инглиз тилидаги *gumshield* термини, *тахмасуна* француз тилидаги *plateforme* термини орқали калькаланган сўз бўлиб, *қўшэгар* эса лотин тилидаги *tandem* терминини ифодалайди. *Қопкўрна* термини рус тилидаги *спальный мешок* сўз бирикмасининг, *отчонар* термини эса француз тилидан ўзлашган *hippodrome* терминининг калькаси ҳисобланади. Ўзбек тилида сўз яшашнинг бу усули унумсиз ҳисобланар эди, бироқ халқаро спорт терминларининг таржима орқали муқобилини топишга бўлган интилиш бу усулга бўлган эҳтиёжнинг ортишига олиб келмоқда.

Шунингдек, ҳозирги кунда ҳам сўз ўзлаштириш усули орқали ўзбек тилига спортга оид бир қатор неологизмлар кириб келмоқда. Масалан: *мидвик* неологизми инглиз тилида «*midweek*» - «*ҳафта ўртаси*», «*мидвик учрашувлари*» яъни «*ҳафта ўртасидаги учрашувлар*» маъносида қўлланилади; *болбой* инглиз тилида *ballboy* – «*тўп билан таъминловчи бола*» маъносига эга; *панчер* инглиз тилида *pincher* – «*кучли зарба эгаси*» маъносида қўлланилади; *плеймейкер* инглиз тилида *ўйинни ташкил этувчи* маъносида қўлланилади; *боксинг дей* неологизми инглиз тилида *boxing day* – «*совғалар куни*» маъносини англатади. Англия премьер лигасида янги йил олди бўлиб ўтадиган футбол ўйинларининг номи. *Либеро* итальян тилида *libero* – «*эркин*» маъносида, *эркин ўйинчи*га нисбатан ишлатилади. *Камбек* инглиз тилида *comeback* – «*қайтиш*» маъносини англатади.

Инглиз ва ўзбек тилларида сўз ўзлаштириш, морфологик деривация, композицион усуллари икки тилнинг изоморфик хусусиятидир. Ушбу жараён тадқиқотимизда лингвостатистик таҳлиллар асосида кўрсатилган (4- жадвал).

Спорт терминларининг изоморфик таҳлили

УСУЛ	№	Номи	Инглиз		Ўзбек		Умумий	
			№	%	№	%	№	%
	1	Ўзлашма - borrowings	191	13.6	332	23.6	523	37.2
	2	Морфологик деривация - affixation	40	2.8	68	4.8	108	7.6
	3	Композицион - compounding	28	1.9	18	1.3	46	3.3

Бундан ташқари, ўзбек тилида ўзлашма қатламга мансуб сўзларнинг ўрнига қўлланиладиган, яъни соҳа таркибида мавжуд муайян маъно берувчи терминнинг бошқа бир айти шу маънони берувчи янги термин вужудга келиши оқибатида умумистеъмолда мавжуд илк ўзлашма бирликнинг пассивлашиши ҳодисаси кузатилмоқда. Хусусан, *комбинатор* (русча) термини ўрнини ҳозирда *playmaker* (инглизча) термини, *орбитр* (русча) ёки *ҳакам* (арабча) бирликлари ўрнини *referee* (инглизча) термини эгаллаши бунинг яққол далилидир.

Таъкидлаш лозимки, ўзбек тили агглютинатив тиллар оиласига мансуб бўлганлиги учун *деривация* жараёнлари инглиз тилидаги дериватив жараёнларга нисбатан анча барқарор. Жумладан, ўзбек тилида *-чи* суффикси жуда сермахсул бўлиб, 120 та спортга оид термин ва неологизмлар ушбу кўшимча орқали ясалган *-чи* суффиксидан тўрт хил маънодаги от сўз туркумига мансуб спортга оид бирликлар ясалган. Масалан: 1) соҳа, тур асосида мутахассисни ифодаловчи бирликлар: *курашчи, шахматчи, теннисчи*; 2) гуруҳ ёки жамоага аъзоликни ифодаловчи бирликлар: *пахтакорчи, навбахорчи*; 3) мусобақа иштирокчисини ифодаловчи бирликлар: *олимпиадачи, универсиадачи*; 4) иш-ҳаракатга кўшилиб, шахсни ифодаловчи бирликлар: *ижрочи, югурувчи, сузувчи*.

Морфологик деривация жараёнида микро категориал алломорфик хусусиятларни аниқлаш мушкул, жумладан, инглиз тилида *-er* кўшимчаси *-чи* кўшимчасининг муқобил варианты сифатида олинса-да, *-er* кўшимчасида кўп вазифалилик хусусияти мавжуд эмас. Шунинг учун ҳамма вақт ҳам ясама бирликлар таркибида *-er* кўшимчаси *-чи* кўшимчасига тўғри келмайди. Масалан: *полочи – poloist; иштирокчи – participant; спортчи – sportsman* каби терминлар бунга яққол далилдир.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида *акронимия* усулида ҳосил қилинган терминлар ҳам ўрганилди. Маълумки, акронимия қоидаларига кўра, мураккаб таркибли сўз бирикмаларининг ҳарфи, бўғини олинади ёки сўзларнинг бош ҳарфи ёзилиб, алфавит тарзида ўқилади ва шу орқали қисқартма сўзлар ҳосил қилинади. Бу усул спорт терминлари ва неологизмларини ихчамлаштиришда фаол ҳисобланади. Масалан, *ОТЖ – Олимпия терма жамоаси, МТЖ – Миллий терма жамоа, ОФК – Осиё Футбол конфедерацияси* кабилар. Ўзбек тилига бундай қисқартма сўзларнинг бошқа тиллардан ўзлашиши ҳам кузатилади. Масалан, *NBA (National Basketball Association) – Миллий баскетбол ассоциацияси, UFC (Ultimate Fighting Championship) – қондасиз жанг мусобақаси* кабилар. Аммо замонавий ўзбек тилида мазкур усул сўз ясаш модели ҳисобланмайди.

Изланишларимиз жараёнида ўзбек тилида спортга оид қисқартма отлар таркибида бир қанча хатолар кўзга ташланди. Профессional спорт журналистикаси материалларини тайёрлашда ва улардан фойдаланишда мазкур хатолар ўзгармасдан бирлик сифатида қолмоқда. Масалан: *UEFA* термини инглизча *Union of European Football Associations* сўзларининг бош ҳарфларидан олинган бўлиб, у ўзбек тилига *Европа Футбол Ассоциацияси Иттифоқи* тарзида таржима қилинади. Бироқ ушбу бирлик ўзбек тилида УЕФА шаклида қўлланилади. Агар УЕФА нинг шундай шаклда қўллаш транслитерация ҳодисаси бўлса, у ҳолда транслитератив сўзларни тартибга солувчи Халқаро стандартлар ташкилоти – ISO (International Standard Organisation) томонидан ишлаб чиқилган йўриқнома бўлиши лозим. Агар шундай ҳужжат мавжуд бўлмаса, мулоқотда мазкур терминни УЕФА шаклида қўллаш хато ҳисобланиб, унинг ўрнида ЕФАИ шаклини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Қисқартириш (clipping) усули. Тилшуносликда сўзларнинг бир ёки ундан ортиқ бўғинларини тушириб қолиш орқали янги лексик бирликларнинг ясалиши *қисқартириш* усули деб номланади. Бу усул фақат бир сўз ёки сўз бирикмаси таркибида амалга оширилади. Тадқиқотда инглиз тилидаги *қисқартириш* усулида ясалган спорт терминларининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, уларни тўрт турга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб билдик:

1) *initial clipping* – сўз таркибидаги олд бўғиннинг қисқартирилиши (тушириб қолдириш) орқали: *parachute* (парашют) - *chute* (сирпаниш учун тик йўлак); *university* (университет) - *varsity* (университет спорт жамоаси). *Varsity* бирлиги таркибида ассимиляция ҳодисаси юз бериши натижасида e – a тарзидаги ўзгариш юзага келган;

2) *final clipping* – сўз таркибидаги *орқа бўғинни* қисқариши (тушириб қолдириш) билан: *gymnastics* (гимнастика) – *gym* (гимнастика зали); *memorandum* (эслатма учун ҳужжат) – *memo* (баённома, протокол); *ticket* (чипта) – *tick* (ҳисоб); *umpire* (судья) – *ump* (ҳакам);

3) *medial clipping* – сўз таркибидаги ўрта бўғин (лар) қисқариши билан юзага келади: *celebrities* (машҳур шахслар) – *celebs* (машҳурлар); *fantasy* (фантастика) – *fancy* (фараз, ишқибоз);

4) *complex clipping* – мураккаб ва аралаш қўшма сўзларнинг қисқариши натижасида юзага келади: *organization man* (ташкилотчи шахс, киши) - *org-man* (ташкилотчи). Бу усул инглиз тилида бирмунча мураккаб ҳисобланган сўз бирикмалари ҳамда қўшма сўзларни осон талаффуз қилишда ёрдам беради.

Ўзбек тили лексикасида сўз таркибини қисқартириб янги сўз ҳосил қилиш камдан кам учрайдиган жараён ҳисобланади. Уларнинг аксар қисми рус тили ёки бошқа тил бирликлари ёрдамида ҳосил бўлади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги қисқартириш усули икки тилнинг макрокатегориал алломорфик хусусиятидир.

Шу маънода, спортга оид терминларни тартибга солиш ва уларни конкрет изоҳлаш, қайси соҳага тааллуқли эканлигига аниқлик киритиш, терминнинг ясалишини изчиллик билан қайд этиш терминларнинг таржимадаги адекват талқини мукамал бўлишига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, соҳага доир изоҳли ва икки тилли луғатларнинг ҳам мукамал бўлишига олиб келади.

